

АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ "БИРИНЧИ МУАЛЛИМ" АСАРИДАГИ ҲИКОЯТЛАРДА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Хошимова Нигорахон Тоштэмир кизи талаба

Электрон почта манзили: xoshimovanigora59@gmail.com

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика унверситети

***Аннотатсия:** мақолада Авлонийнинг дарсликларидаги таълим-тарбия масалалари ҳақида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:** ёмонлик жазоси, қаноат, яхшилик кучи, иттифоқчилик.*

"Биринчи муаллим" асари Авлонийнинг педагогик асарлари қаторига киради. Мактаб ўйқувчилари учун янги қўлланма тарзида яратилган. Асарда бир қанча ҳикоятлар келтирилган бўлиб, ҳикоятлар ғояси ўқувчилардаги ахлоқий сифатларнинг мукамал шаклланишида ўрин тута олади. Бу эса улардан қай йўсинда хулоса чиқара олишга боғлиқ. Асарнинг кириш қисмида -- айнан кириш дея келтирилмаган, аммо асарни ёзишдан мақсад ифодалангани учун шундай атадик -- асар нима сабабдан ёзилгани, кимлар учун мўлжаллангани ҳақида баён этилган: "Шояд миллат болаларина фоидабахш ўлур умидинда бир неча муаллимларимизнинг илтижолари ила кўб вақт тажриба сўнгидан бу рисолайи ожизонамни "Биринчи муаллим " исми-ла майдони интишора қўйдим". Асар мана шу сабаб дунёга келган. Адиб ундаги қусур ва камчиликлар учун узр ҳам сўрайди. Бу танбеҳларни тўғри қабул қилажагини таъкидлайди.

"Ёмонлик жазоси" ҳикоясида Қосим исми бебош боланинг ёлғончилик оқибатида ўзи сабаб олган жазоси ҳақида ҳикоя қилинади. Ота-онасининг танбеҳларини қулоққа илмасдан ҳамиша ёлғон гапирувчи Қосим болаларга ўрнак бўлиши лозим. Ёлғончилик ҳеч замонда ёқланмайди. Бу энг катта гуноҳлардан бири. Бир марта айтилган ёлғон қолган ёлғонларнинг бошланишига

замин яратади. Қосим ҳам меҳмон учун тайёрлаб қўйилган таомларни ея туриб, емадим деб туриб олиши; отаси стол устига қўйган тангани ола туриб олмадим дейиши оқибатида жон берди. Тангани олган заҳоти оғзига ютиб, мен олмадим дея ёлғон сўзлаши сабаб танга томоғига тикилиб вафот этади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади. Ёлғонлар абадий эмаслигини англаб етмаган Қосим ўзига тўғри хулоса чиқаргандир, аммо энди кеч. Сўнгги пушаймон ўзингга душман. У қайта сўзломайдиган жазога ҳукм этилди. Қосимнинг ота-онасининг айтганини қилмасдан ўзбилармонлик билан қилган ҳаракатларига ёлғон сўзлаши нуқта қўйди. Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ асари"да ёлғон сўзни кизб, уни сўзлайдиганларни эса каззоб деб атайди. Асарда шунингдек, Пайғамбаримиз сўзларидан ва Қуръони каримдан ибратли мисоллар келтирилади. Пайғамбаримиз : "Алказзобу ло уммати" -- "ёлғончи менинг умматимдан эмасдур", -- демишлар. Қуръони каримда: "Кизбни имони йўқ кишилар сўйларлар",-- демишлар.

"Қаноат" ҳикоясида эса бир кишининг Али ҳамда Вали исмли ўғиллари орқали қаноатли ва қаноатсиз одамнинг насибасида ҳам ер билан осмончалик фарқ борлиги очиқ берилган. Нафақат насибасида оилада, жамиятда тутган ўрнида ҳам фарқ бўлиши тасвирланган. Қаноатли фарзанд Алининг отаси олиб келган олмадан фақатгина битта -- ўз улашини олгани, қаноатсиз фарзанд Валининг очкўзлиги сабаб ўз улушидан ҳам бебаҳра қолганилиги болаларга хамиша ўзи насибасига эгалик қилиш лозимлигини ўзганикига кўз тикса, ўзиникидан ҳам маҳрум бўлиши аниқ эканлигини ўргатади. Бу ерда яна бир масала ҳақида фикр юритиш даркор: оилада нечта фарзанд бўлса, ҳар бири ота-онасининг ўғитларидан айрича хулоса чиқаради. Ушбу ҳикоя болаларга қаноатли бўлиш билан ҳар ерда ҳам улушга эга бўлиш мумкинлиги ҳақида сабоқ беради. Қаноатли кишининг ишида ҳам унум бўлади, сабаби у Аллоҳ томонидан берилган хурсандчиликка ҳам, ғам-ғуссага ҳам қаноат ҳамда сабр қилади. Сабрнинг таги сариқ олтин. Унинг меваси ширин бўлади. Бунинг учун эса қаноатни барча яхши сифатларнинг бошида турувчиси деб қабул қилмоқ ва унга

амал қилмоқ даркор. Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида қаноатга шундай таъриф беради: "Қаноат бир хазинадурки, нақдинаси кундан кун ортар. Бу хазинага ега бўлган кишилар умрларини шавқ ва роҳатда кечирурлар". Хазинадек қийматга эга бўлган қаноат бизга Қодир томонидан туҳфа этилган. Фақатгина уни ўзимизда шакллантира олишимиз керак. Бунинг учун, аввало, инсон болалиқдан тўғри тарбия топмоғи даркор.

Навбатдаги ҳикоя эзгулик ҳақидаги "Яхшилик ерда қолмас" ҳикоясидир. Ҳикояда асосий қаҳрамонлар Ари ҳамда Кабутар саналади. Воқеалар ривожини уларнинг ўзаро қилган яхшиликларидан ривоят қилади. Ҳикояда айтилишича, сув юзида сузиб кетаётган ари беҳосдан сувга қулвйди. Кабутар буни кўриб ёрдамга ошиқади. Арига бир чўпни ирғитади. Ари шу чўп сабаб омон қолади. Маълум вақт ўтгач кабутарга бир болакай тузоқ қўяди. Кабутар тузоққа илинади. Буни кўрган ари боланинг қулоғини чақиб олади. Кабутар эса тузоқдан қочиб қутулади. Ҳикоя мазмунинидан кўриниб турганидек, кимгадир яхшилик қилишда иккиланмаслик лозим. Қилган яхшилингиз ўша инсондан қайтмаса, бошқадан қайтади. Қилган эзгу амаллар мартабамизни бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам оширади. Яхшилик қилиш билан киши номига савоб ёзилади. Шунинг учун яхшилик қилаётганда бу яхшилигим ўзим учундир, деб қилиш оқил кишининг ишидир.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,

Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.

"Иттифоқ" ҳикоясида замон ва макон танламас иттифоқ ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳикояга асос қилиб, чумолилар ҳаёти олинган. Энг майда хашаротлардан бўлмиш чумолилар ўртасида иттифоқ жуда мустаҳкам ўрнатиларди. Табиатан кузатилса ҳам ҳар бир чумолининг ўз вазифаси бўлади ва улар буни жуда яхши англашади. Агар инига сув кириб кетса, дастлаб қироличаси ва тузумларини индан ОЛИБ чиқадилар. Четдан ҳужум қилинса ҳам улар биргаликда ҳаракат қиладилар. Ҳар қандай тўсиқни ҳам енгиб ўта оладилар. Иттифоқ оилада ҳам, жамиятда ҳам, давлатлар ўртасида ҳам, икки дўст орасида

ҳам бўлиши керак. Бир ҳикояда айтилади. Отанинг уч ўғли бўлиб, улар бир-бири билан келишмас, ноаҳил экан. Шунда ота бир боғ чўпни олибди-да, уларни битта-битта синдира бошлабди. Чўплар осон синибди. Ҳаммасини биргаликда синдирган экан. Кучи етмабди. Шунда ўғиллар отаси нима демокчи эканлигини тушунибдилар ва бундан кейин аҳил яшашга келишибдилар. Давлатлар кесимида оладиган бўлсак, қадимдан ўзаро тинч бўлмаган давлатни босиб олиш осон бўлган. Бунга исбот сифатида "Абулфайзхон" драмасида Нодиршоҳнинг гапларини келтирсак бўлади. Шундай қилиб иттифоқлилик йўқдан бор қилишлиги мумкин. Аммо ноаҳиллик сабаб бор ҳам йўқ бўлиши мумкин:

Кўрдингизми, юнг ўзи хўб майдадур,
Бирлашуб арқон бўлса, фил бойланур.

Кўриниб турганидек, асарда кичик-кичик ҳикоялар орқали бола тарбияси учун аҳамиятли бўлган ғоялар, уларни эзгуликка, тўғрилиқка ундовчи фикрлар, уларнинг ҳаёти давомида асқатадиган маслаҳатлар бериб ўтилган. Ҳажм жиҳатидан кичик бўлган ушбу ҳикояларни ёдда сақлаш осонлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Б.Қосимов Абдулла Авланий, Забаржад медиа, 2022.